91299

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 7 декабрь, сешанба • № 145 (25.540).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ДАСТУРИ

Биз XXI аср бўсағасида — янги буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳволини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

Биринчи устувор вазифамиз — иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

— иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8—2,0 баробар кўпайтириш;

— миллий пулимизнинг қадрсизланишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

— давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

— бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

— ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

— ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини якунига етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан эса 82 фоизга етказиш;

— соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қатъиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун авваламбор ислоҳотларимизнинг **иккинчи асосий устувор йўналиши** бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини **эркинлаштириш** масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар — ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсадида биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, шу билан бирга, бозор инфратузилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласини доимий диққат марказида тутиш, бу соҳада белгиланган ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини тўла миқёсда амалга оширишга эришиш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва меҳнаткаш деҳқоннинг ўз меҳнати самарасидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

Учинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва домлаларини, илму фан соҳасида ишлаётган илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит туғдириб бериш кўзда тутилади.

Тўртинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ. Ўсиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз, деган шиорни амалда рўёбга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

Бешинчи устувор йўналиш — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир ойланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Шу олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағрикенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш — ҳаётимнинг маъноси, умримнинг мазмунидир.

(Дастурнинг тўлиқ матни Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» рисоласида баён этилган)

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловнинг ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни — кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида, амалда таъминлаш:

Сиёсий соҳада

— давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва, унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

— давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

— сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намояндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда кафолат асосида қуриш;

— давлат ҳокимиятининг учта — қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

— оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишлиги;

— энг оддий фуқаронинг овози жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

— барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишнинг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етакчи, идора этувчи ва муҳолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурватларини яратиш;

— жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

— кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

Иқтисодий соҳада

— иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишлиги;

— ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

— кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни уддалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

— ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз ҳоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

— кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

— товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

— иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш;

— солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

— давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзанларида ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини кўриш;

— бозор муносабатларининг иқтисодий демократия сифатидаги ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириб бориш ва ҳ. к.

Ижтимоий соҳада

— адолатни қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш;

— аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш;

— ишсизликни барҳам топтириш;

— меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш;

— аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан уларнинг пулнинг қадрсизланиши оқибатида даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали, оқилона қоплаш;

— жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар мавқеини жиддий кўтаришнинг амалий чора-тадбирларини кўриш;

— тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шаклларини вужудга келтириш;

— жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш;

— пораҳўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш;

— мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш;

— юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

— ижтимоий муносабатларни инсоний негизларда ривожланишининг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил яратиш ҳамда ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

Маънавий соҳада

— жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони, воситасига айлантириш;

— жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш;

— ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

— тарихга, миллий-маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

— илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғиботчиларнинг ижтимоий мавқеини беқиёс кўтариш;

— барча фуқароларни умумжаҳон, шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

— маънавият, ақл-заковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнамо бўлишлиги ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканликдан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳ.к.

Ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳасида

— Ўзбекистоннинг барча узоқ ва яқин, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

— минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур сатъ-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш;

— мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга, Қуролли Кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳоказо.

***

Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шуҳратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

— Биз АҚШни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган йирик давлат, деб биламиз. У мамлакатимиз иқтисодиётига катта сармоя киритмоқда, — деди Ислом Каримов. — АҚШдаги кўплаб етакчи компаниялар билан қўшма корхоналар тузилган. Улар мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига самарали ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз, айниқса, АҚШнинг «Кейс» корпорацияси билан яқин, мустаҳкам алоқалар ўрнатилганини таъкидлади ва ҳозирданоқ самара бераётган бу шерикликнинг истиқболи порлоқ бўлишига ишонч билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг АҚШ билан алоқалари изчил ривожланиб боряпти. Бу алоқалар сиёсат, иқтисодиёт, маданият, илм-фандан то ҳарбий соҳагача бўлган кенг қамровли ҳамкорликни ўз ичига олади. Мамлакатларимиз ўртасида тузилган икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия шериклик муносабатларини мувофиқлаштириб турибди. Бу эса янги-янги лойиҳалар тузилишига замин яратмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Буюк келажак пойдевори

Ўзбекистоннинг XXI асрдаги тараққиёт йўлини белгилашда, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратишда, одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда мамлакатимиз парламенти, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар улкан аҳамиятга эгадир. Зеро, халқимизнинг истиқболи биз бугун кимларни сайлашимизга боғлиқ.

Айтиш жоизки, бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга мамлакатимизда ҳар қачонгидан кўра пухта тайёргарлик кўрилди. Кўппартиявийлик ва демократия тамойилларига асосланган бу жараёнда сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари номзодлари ҳамда мустақил номзодлар учун тенг шароит яратилди.

5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам барча юртдошларимиз каби сайловда иштирок этди. Давлатимиз раҳбари 25-Яккасарой сайлов округидаги 652-сайлов участкасида ўзи танлаган номзодлар учун овоз берди.

Шу ерда йўлбошчимиз сайловчилар билан суҳбатлашди.

— Ҳаётимизга назар ташласак, ҳали ўз ечимини кутиб турган муаммолар мавжуд эканлигини кўрамиз, — деди жумладан Ислом Каримов. — Уларни ҳал этиш юзасидан бизда аниқ дастур ва режалар бор. Соғлиқни сақлаш, таълим тизими, қишлоқ хўжалиги, Қуролли Кучларда ислоҳотлар қандай бориши кераклиги хусусида ўз фикримизга эгамиз ва ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг келажаги бугунги ёшларга боғлиқ эканини яна бир бор алоҳида таъкидлади. Шу боис, юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шароит яратилмоқда.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга катта эътибор берилаётир. Ўтаётган сайловлар эса юртимизнинг буюк келажагини яратишда муҳим пойдевор вазифасини ўташи лозим.

Беҳзод УСМОН
(ЎзА)

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Сайлов жараёни кўп сонли хорижий ва маҳаллий экспертлар томонидан кузатиб борилди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Мадлен Вилкенс Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар қизғин, уюшқоқлик ва демократик тамойиллар асосида ўтгани таъкидланди. Буни шу жараёнда иштирок этган кўплаб халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, сайловда сайловчиларнинг 96 фоизи иштирок этган. Ғайриқонуний ҳодисалар кузатилмади.

60 та сайлов округида қайтадан, яъни иккинчи тур сайловлари ўтказилади. Бу ҳам улкан сиёсий тадбирнинг нечоғли қизғин ўтганидан далолат беради.

Учрашувда ЕХҲТ миссияси аъзолари бўлиб ўтган сайловлар борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

(ЎзА)

Ватанимиз келажаги ҳар биримизга боғлиқ

Мамлакатимизнинг кўп миллатли фуқаролари миллати, дини, ижтимоий аҳволидан қатъи назар она Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган оқилона сиёсати бераётган самарага ёрқин далил бўла олади. Республика Байналмилал маданий марказида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида Ислом Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митингда ана шу ҳақда гапирилди. Бу ерда Ўзбекистоннинг барча миллат ва элатлари, руҳонийлар вакиллари, «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамда республика жамоат ташкилотлари фаоллари тўпланди.

— Олмалиқ шаҳри металлурглари, кончилари, қурувчилари 2000 йил 9 январда бўлиб ўтадиган Президентлик сайловида Ислом Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлаш учун мени вакил қилиб юборишди, — деди Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати бош директори Виталий Сигедин. — Ислом Каримов кўп миллатли халқимиз манфаатларининг ҳақиқий дарғасидир, у халқ келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимайди, ҳозирги қийин шароитда давлат бошлиғи учун зарур бўлган барча фазилатларга эгадир.

— Ўзбекистон ўз мустақиллигининг саккиз йили давомида ривожланган мамлакатлар ўн йиллар мобайнида босиб ўтган ислоҳотлар йўлини босиб ўтди, — деб таъкидлади «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасининг бош директори Александр Мелкумов. — Бугунги кунда биз энергетика ва дон мустақиллигига эгамиз, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам мустақиллик туфайли эришилган ютуқларимиз намоён бўлмоқда. Бизнинг халқимиз тинчликда ва тотувликда яшайди. Буларнинг ҳаммасига биз учун Ислом Каримов кафилдир. Агар биз Ватанимизни эркин, иқтисодий ривожланган, демократик мамлакат бўлишини истасак, Ўзбекистон Президентлиги сайловида давлатимиз раҳбари номзодини қўллаб-қувватлашимиз керак.

Митинг қатнашчилари 9 январдаги Президентлик сайлови мамлакатимиз тақдирида муҳим босқич эканлигини қайд этди. Шу боис, улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига мурожаат қилиб, фуқароларни сайловда Ислом Каримов учун, яъни она Ўзбекистонимизнинг бахти, тинчлиги ва фаровонлиги учун овоз беришга чақирди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Расмий ташриф билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В. Путин 1999 йил 9-10 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Инсонни азизлаган Қомус

Одатда, Конституцияни «Ҳаёт қомуси» дейдилар. Бу гапда жон бор. Чунки Қомусда ҳаётнинг барча жабҳалари қамраб олинади. Бундан етти йил муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Унда ижтимоий турмушнинг ҳамма томонлари ҳимоя қилинади. Биринчи галда, инсоннинг ҳаёти, инсоннинг манфаатлари тўла-тўкис кафолатланган. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароларининг қонуний кафолати бўлса, Президент — Конституциянинг кафолатидир. Шу ўринда ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг 1993 йили «Комсомольская правда» газетаси саволларига берган жавобидаги ушбу сўзларни яна бир бор эслатиб ўтишни истардим: «Тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш пайтида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур». Дарҳақиқат, кучли ижроия ҳокимияти барқарорлик гарови эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аслида, ҳар қандай қонун, жумладан, Конституция ҳам инсонга хизмат қилади. Зеро, инсонларнинг эҳтиёжини қондириш учун ҳам ўзгармас қонунлар мажмуига — Конституцияга зарурият пайдо бўлади. Дунёдаги исталган давлатнинг қонунларини, Конституциясини олиб кўрсангиз, улар муайян мамлакат фуқароларининг талаб-эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга хизмат қилишига гувоҳ бўласиз. Ўша қонунлар асосида олиб бориладиган ички ва ташқи сиёсат ҳам фуқароларнинг турмуш тарзига, миллий хусусиятларига мос бўлади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Йўқса, ижтимоий ҳаёт бир тарафга қараб кетса, Конституция бошқа тарафга йўл кўрсатиб, ўртада бошбошдоқлик рўй беради. Бизнинг Конституциямиз халқимизнинг дунёқарашини, миллий қадриятларини, урф-одатларини тўлиқ мужассамлаштирган. Фикримизнинг тасдиғи сифатида, мамлакат Президентининг «...бу Конституция умумий мазмунидан тортиб, оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттирди. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағри кенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган», деб таърифлаган сўзларини эслаш жоиздир.

Хўш, Ўзбекистон Конституциясининг халқаро жамоатчилик томонидан, жаҳондаги энг адолатли, мазмунан бой Конституциялардан бири, деб эътироф этилишига асосий сабаб нима? Хўш, нима учун ҳар бир қўлга киритган ютуғимизни танқид остига олувчи баъзи «демократлар» Конституциямиз тўғрисида бирор-бир жўяли фикр айта олмаяптилар? Чунки, бу Конституция йўлбошчимиз таъбири билан айтганда, «Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатдан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир... Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган....»лигидадир.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз Конституциясининг «Жамоат бирлашмалари»га бағишланган моддаларининг деярли барчаси, бугунги турмуш, ҳаётимизда ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоа бирлашмаларига таъриф берилиб, унинг 60-моддасида шундай дейилади: «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар».

Яна шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, демократик тамойилларни ўзида тўла мужассамлаштирган Конституциямиз туфайлигина, республикадаги мавжуд барча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этдилар.

2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловлар ҳам Конституциямизда белгилаб берилган қоидаларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтмоқда. Мамлакат Президенти сайловида иштирок этиш учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муқобиллик асосида, ўз номзодини кўрсатиши эса, халқаро жамоатчилик томонидан энг адолатли Конституциялардан бири деб тан олинган, бош Қомусимизнинг амалдаги тантанасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига эндигина етти йил тўлди. Шу қисқа вақт ичида у, мамлакатимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда ҳамда халқларимиз тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашда ўзини тўлалигича оқлай олди десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Конституциясини «инсонни азизлаган Қомус» деб аташ мумкин.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ХДП МК Партиялараро алоқалар бўлими мудири





Тарих келажакнинг устози дейишади. Тарихий обидалар эса аждодлар ҳаётидан сабоқ беради. Лекин бу сабоқни ўқимоқ ва уқмоқ лозим. Тарихни ўрганиш хайрли иш бўлиб, у шу соҳа билан шуғулланувчиларга катта масъулият юклайди.

Қадимий обидалар, тарихий шаҳар ва қишлоқлар юртимизнинг келажакка дахлдор нодир бойлиги ҳисобланади. Ана шундай эътиборли ва қадимий обидалар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам талайгина. Бу борада Нукус давлат педагогика институтининг тарих факультетида самарали ишлар қилинмоқда. Тарих факультетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари қадимий жойларда археологик ишлар билан мунтазам шуғулланиб келадилар. Ушбу археологик ишларга тарих фанлари доктори, профессор Мирзамурод Мамбетуллаев раҳбарлик қилиб келяпти.

Нукус туманидаги Кердер жамоа хўжалиги ҳудудида қадимий (ўрта асрга доир) Кердер шаҳарчаси мавжуд бўлган. Ҳозир археологик гуруҳ мана шу жойда қазишмалар олиб бормоқда.

Бу ерда археологик қузатишлар натижасида IX-X асрга тааллуқли бўлган турли сопол идишлар, қадимий бинокорлик буюмлари топилди. Айни пайтда гуруҳ аъзолари қизғин археологик қазишмалар билан банд.

Суратларда: Кердер жамоа хўжалигида археологик қазишмалар пайти.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар

Пенсия фарқи тўланди

Ижтимоий таъминот вазирлиги Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида яшовчи фуқаро Саидмурод Юсуповнинг хатига асосан у кишининг пенсия иши ҳужжатлари Самарқанд вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси орқали ўрганиб чиқилди.

Маълум қиламизки, С. Юсуповга 1993 йил 15 апрелдан умумий касаллик бўйича 2-гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланиб, қарамоғидаги 3 нафар меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари учун қўшимча қўшиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлдан кучга кирган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари учун пенсияга қўшимча қўшиш ёки устама ҳақ белгилаш кўзда тутилмаган.

Шунинг учун, у кишининг пенсияси ушбу муддатдан қайта ҳисобланиб, унинг миқдори 77 сўм 10 тийин қилиб тўғри белгиланган.

Сўнгра бу пенсия миқдори пенсия қонунига асосан ва Ўбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан бир неча бор қайта ҳисобланиб ва оширилиб келингани ҳолда 1997 йил 1 июлдан 1422 сўм 50 тийин, 1998 йил 1 июлдан 2133 сўм қилиб белгиланиб, 1999 йил 1 январдан 2559 сўм 60 тийинга етказилган.

Газетада босилмади, аммо...

С. Юсупов 1998 йил 20 апрелда пенсиясини қайта ҳисоблаб беришни сўраб 1988-1993 йиллардаги ойлик маошлари тўғрисида маълумотнома тақдим этган. Лекин, бўлим мутахассислари пенсияси миқдори ошмайди деб қайта ҳисобламаганлар.

Бугунги кунда бу хатолик тузатилиб, у кишининг пенсияси амалдаги қонун талабларига асосан қайта ҳисобланиб, унинг миқдори 1998 йил 1 майдан 15 сўм 61 тийин, 1998 йил 1 июлдан 46 сўм 63 тийин, 1999 йил 1 январдан 55 сўм 96 тийинга оширилган.

С. Юсуповга 1998 йил 1 майдан 1999 йил апрелгача тўланмаган пенсиянинг фарқи март ойида тўлаб берилди.

Пенсиясини қайта ҳисоблашда масъулиятсизликка йўл қўйган мутахассисга хайфсан эълон қилинган.

Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган енгиллик ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳамда пенсиясига устама ҳақ белгилаш масаласига келсак, С. Юсуповга бу масалада ижобий жавоб олиш учун ҳақиқатан ҳам Афғонистон уруши қатнашчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этиш лозимлиги тўғрисида батафсил тушунтириш берилди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири

О. ОБИДОВ

Уйингизда ойна борми?

Қиш ҳам кириб келди. Қор-ёмғирли кунлар бошланди. Саноат, қурилиш, корхоналари, касалхоналар поликлиникалар, маданий оқартув муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар, турар-жойлар қишга тайёрми?

Қишни ўтказиш бутун жамоатчилик учун катта имтиҳон. Бу имтиҳонга алоқадор ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари айни шу кунда қандай муносабатда бўлишмоқда?

Луқма

Тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Қурилиш материалларининг деярли ҳаммаси бозорда. Аммо ойнани Нукус деҳқон бозорларидан ҳам, дўконлардан ҳам, тадбиркорлардан ҳам топа олмайсиз. Ойна умуман сотувда йўқ.

Ўтган бозор куни овулдан келган дўстимни марказий бозорда учратиб қолдим. У бозорга ойна излаб келганини айтди.

— Ойнани қаердан топамиз? Бозорда йўқ экан. Ойна топишга ёрдам қилинг.

— Нукусда яшаб биз ҳам ойна тополмаяпмиз. Синганларини бир амаллаб турибмиз.

— Биздаги синган ойналарни ямаб бўлмаяпти.

Кўпчилик оилаларда ойнанинг йўқлигидан синган ойналарнинг ўрнига пахта, кўрпача, қоп, одеял, картон қоғозлар қўйилмоқда. Аксарият мактабларда, спорт залларда ва бошқа муассасаларда синган ойналар ўрнига ғишт териб қўйилган. Қоғозлар билан беркитилган. Бундай аҳвол фақат Нукус шаҳрида эмас, шаҳар ва туманларда, овулларда муаммо бўлиб турибди.

Фуқароларни ойна билан таъминлаш вазифасини ким ўз зиммасига олиши керак? Бизни мана шу муаммо ташвишлантирмоқда.

Ҳозир эса бу ишлар билан на ҳокимлик, на тадбиркор, на савдо ташкилотлари шуғулланади?!

Республикамизда катта савдо ташкилотлари бўлса-ю, аҳолининг зарур эҳтиёжларини ҳисобга олишмаса?! Улар бу ҳақда ўйлаб кўришмаса, эртанги кунимиз нима кечади? Қиш қишлигини қилади-ку?!

Саладдин МИНАЖОВ,
Нукус шаҳри

Солиқ тизимида нима гап?

Сохта тадбиркорлар

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўзини тадбиркорман, деб ҳар қандай ишга қўл ураётган шахслар кўпайиб қолди. Ҳалол меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ҳақиқий тадбиркорлар бор, албатта. Аммо, шулар қаторида солиқ идораларининг назоратидан қочиб, рухсатсиз ва яширин равишда турли хил маҳсулотларни, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаётганлар ҳам учраб турибди.

Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекциясининг ходимлари шу туманнинг «Нуробод» кўчасида жойлашган 3-уй ҳовлисидан чиқиб кетаётган машинани тўхтатиб, текширув ўтказганларида унда 154 кг. колбаса юклангани аниқланди. Колбаса шу уйдаги ертўлада яширин равишда А. Хасанов деган кимса томонидан тайёрланган экан. Маҳсулотга масъулияти чекланган жамият — «Собир Раҳимов савдо» ташкилоти берган юк хати ҳам топилди.— Тайёрланган маҳсулот давлатнинг тегишли идоралари рўйхатидан ўтказилмаган, ишлаб чиқаришга дахлдор ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Бинобарин, маҳсулотга солиқ тўлаш бу «тадбиркорнинг» хаёлига ҳам келмаган. Унинг гапига қараганда колбаса «Собир Раҳимов савдо» ташкилоти билан тузилган шартнома бўйича тайёрланган. Санэпидемстанция ва тиббий идоранинг рухсати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Колбасафуруш маҳсулот юзасидан харидордан 47,5 минг сўм олиб, чўнтакка урган. Ертўладаги сейф кўздан кечирилганда унинг ичидан 124,7 минг сўм топилди.

Сохта тадбиркор А. Ҳасановдан 215 кг. ун, 46,5 кг. шакар, 310 кг. туз, 20,5 кг. колбаса ва 608 кг. колбаса маҳсулотлари, жами 262, 5 минг сўмлик маҳсулот тортиб олинди ва мусодара қилинди. Ҳозир унинг устидан жиноий иш қўзғатилган.

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида яшовчи Фазлитдин Ғуломов ҳам тижорат билан шуғулланмоқчи бўлди. У музқаймоқ цехини очиб, ишга киришди. Аммо, бундай фаолият билан шуғулланиш учун рухсат олиш унинг ёдидан кўтарилди. Натижада «қинғир иш келтирар ташвиш» деганларидек, у солиқчилар қўлига тушиб қолди. Сирғали туман солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текширувда Ф. Ғуломов 3 минг кг. музқаймоқ тайёрлаб сотиб, 360 минг сўм жамғаргани аниқланди. Бу сохта тадбиркор маҳсулотни нақд пулга сотган, назорат касса машинасидан умуман фойдаланмаган. Бунинг устига, маҳсулот юзасидан Давлат стандартига мослик сертификатини олмай, савдо қилаверган, маҳсулот сотиладиган жой учун 244 минг сўмдан иборат ер солиғи тўлашдан бош тортган. Бу ҳолат юзасидан ҳам тегишли жазо чоралари кўрилмоқда.

Бир кишига 30 қоп ун...

Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармасининг назоратчилари, божхона ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан биргаликда рейд ўтказганларида ун ўғрисини ушлаб олдилар. Жиззахлик В. Алиев деган шахс Ўзбекистондан қўшни Тожикистонга темир йўл орқали 1350 кг. биринчи навли унни яширин равишда олиб ўтишга уринган. Бироқ, унинг режаси амалга ошмай қолди.

Воқеа Зарбдор тумани ҳудудидаги темир йўл бекатида рўй берди. Қопларга қадоқланган ҳолда жойлашган ун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўхшатиб, яшириб қўйилган экан. Маълум бўлишича, ун Дўстлик дон маҳсулотлари корхонасида тайёрланган ва 30 та қопга жойлашган. Ун эгаси ҳар қопини 3200 сўмга, Жиззахдаги 5-дўкондан сотиб олган (дўкон мудири С. Расулов), дўкон эса масъулияти чекланган жамият «Мутал бобо» савдо идорасига дахлдорлиги аён бўлди.

5- сон дўкон текширувдан ўтказилганда 5617 сўмлик товар-моддий бойликлар камомади аниқланди. Маълум бўлишича, Дўстлик дон маҳсулотлари корхонасида тайёрланган 1900 кг. 1 навли ун дўконга келтирилган, шу ундан 1350 килограмми В. Алиевга сотиб юборилган. Бундан ташқари, дўконда ҳисобга олинмаган 3600 сўмлик яхна ичимликлар, 10800 сўмлик алкоголь ичимликлар билан савдо қилгани маълум бўлди. Бу масалага доир ҳужжатлар Жиззах вилоят прокуратурасига топширилди.

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида ҳам худди шунга ўхшаш воқеа рўй берди. М. Абдуллаева ва З. Абдуллаевалар тамаки маҳсулотлари билан ғайриқонуний тарзда савдо қилаётганларида ушланди. Уларнинг маҳсулотида акциз маркаси йўқ эди.

Пойтахтимизда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Умида ва Ҳабибулла Усмоновлар «Отчопар» бозорида ўтказилган рейд пайтида Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ушланди. Уларга тегишли «Нексия» автомашинасидан 945 пачка, 183,8 минг сўмлик ноқонуний турли хил сигареталар топилди ва мусодара қилинди. Улар энди қонун олдида жавоб берадилар.

Фарҳод РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати.

Африка бўйлаб сафар

Африка мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШнинг БМТдаги вакили Ричард Ҳолбрук Жанубий Африка Республикаси Президенти Табо Мбеки билан учрашди. Учрашувда қитъа хавфсизлиги, хусусан, Конго Демократик Республикасидаги (КДР) можарони тинч йўл билан бартараф этиш масаласи муҳокама қилинди.

Т. Мбеки КДРда ҳукумат армияси билан кўзғолончилар ўртасидаги келишмовчиликлар тобора кескинлашиб бораётганини таъкидлаб, бу муаммони бартараф қилиш бўйича ўтказиладиган чора-тадбирларда АҚШ фаол қатнашиши лозимлигини қайд этди. Р. Ҳолбрук Америка томони бу борада ўз ёрдамини аямаслигини айтди. Бироқ бунинг учун урушаётган томонлар Лусакада имзолаган тинчлик битими шартларини бажармоғи лозим, деди у.

Жиноятчилар қидирилмоқда

Индонезия полицияси Бали оролидаги қамоқхонадан қочган ўнлаб маҳбусларни тутиш учун оммавий тадбир ўтказмоқда. Маълумотларга қараганда, Кута шаҳридаги қамоқхонада маҳбуслар тўсатдан қўриқчиларга ҳужум уюштирган. Уларнинг 289 нафари қочишга улгурган.

Ҳозиргача 104 маҳбус қўлга олинди. Бироқ, қолган жиноятчиларни ушлаш оғир кечмоқда.

Миналардан тозаланмоқда

Чили армиясининг муҳандислик бўлинмаси Боливия билан чегарадош ҳудудларни миналардан тозалаш бўйича биринчи операцияни ўтказди. Тадбир чоғида ҳарбийлар 277 дона минани зарарсизлантирди. Шундай қилиб, Чили миналардан фойдаланишни тақиқловчи халқаро битимни амалда бажаришга киришди. Бироқ, Чили ҳарбийлари олдида ҳали катта иш турибди.

Маълумотларга қараганда, турли йилларда Чилининг Аргентина, Боливия ва Перу билан чегарадош ҳудудларига танк ҳамда пиёдаларга қарши ишлатиладиган мингдан зиёд мина кўмилган.

Товламачилар қўлга тушди

Хитойдаги таниқли миллиардер Чжан Ваньци ва унинг ҳамкасби Чжоу Аньмин молиявий товламачиликда айбланиб, бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этилди. Бундан ташқари, икковига ҳам 400 минг юан жарима солинди.

Маълум бўлишича, жиноятчилар ғайриқонуний равишда компания тузиб, турли фирмалардан, оддий фуқаролардан 433,7 миллион юан миқдорида пул йиққан ва уларга даромаддан катта улуш бериб туришни ваъда қилган. Ушбу товламачиликдан 35 та ҳукумат ташкилоти ва етти нафар фуқаро жабр кўрган.

Маҳбуслар исёни

Истанбулда маҳбуслар исён кўтарди. Шарт-шароитни яхшилашни талаб қилган исёнчилар эллиқдан зиёд ҳарбий хизматчига жароҳат етказди. Тартибсизликка шу куннинг ўзида барҳам берилди. Туркия адлия вазири Ҳикмат Сами Туркнинг сўзларига қараганда, ҳозир ушбу воқеанинг юзага келиш сабаблари текширилаётир.

Маълумотларга қараганда, кейинги олти йил мобайнида Истанбул қамоқхоналаридаги исёнлар оқибатида 36 нафар маҳбус қурбон бўлган, юздан ортиғи яраланган.

Ҳамкорликда кадрларни тайёрлаш

Африканинг уч мамлакати — Ангола, Конго Республикаси ва Конго Демократик Республикаси ўртасида минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги пакт имзоланди. Мазкур ҳужжатга кўра, бу қўшни давлатлар ҳар хил жангари гуруҳларнинг чегарадан ўтишига йўл қўймаслиги лозим. Шунингдек, уч мамлакат полициячи кадрларни тайёрлашда ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

«Хавфсизлик зонаси» яратилди

Россия қуролли кучлари бош штаби бошлиғи ўринбосари Валерий Маниловнинг Германияда нашр қилинадиган «Вельта» газетасига берган интервьюсида таъкидланишича, Чеченистондаги ҳарбий операция узоғи билан икки-уч ойда ниҳоясига етади.

Ҳозирги кунда Россия ҳарбийлари Чеченистон ҳудудининг ярмида «хавфсизлик зонаси»ни яратган. Бунча ерда ўлка аҳолисининг 90 фоизи истиқомат қилади.

Ишсизлар кўпаймоқда

Қозоғистонда иқтисодий қийинчиликлар боис, аҳолини иш билан таъминлаш суст кечмоқда. Мамлакат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат вазирининг ўринбосари В. Сиврюкованинг таъкидлашича, жорий йил бошидан 1 ноябргача 211,9 минг нафар ишсиз рўйхатга олинган. Бу рақам меҳнатга яроқли аҳолининг 3,8 фоизини ташкил этади, деб ёзади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА

Азиз ватандошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ПАХТА БАНК»

барча юртдошларимизни умумхалқ байрами —

Конституция куни

билан чин дилдан қутлайди.

Конституциямиз — мамлакатимизда демократик тамойилларни такомиллаштиришда, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашида, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда кафолатдир. Бизнинг Конституциямиз жаҳон андозалари асосида ишлаб чиқилганлиги ривожланган давлатлар қаторида ўрнимиз борлигини билдиради. Бош қомусимиз — бизнинг бахтимиздир!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий равнақини таъминлаш, унинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз!

КОНСТИТУЦИЯ (Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни)

Муборак Рамазон ойи

Сабр-қаноат — иймондан

Рамазон	декабрь январь	ҳафта куплари	саҳарлик тугаши	ифтор вақти
1	9	пайшанба	5:52	16:57
2	10	ЖУМА	5:53	16:57
3	11	шанба	5:54	16:57
4	12	якшанба	5:55	16:58
5	13	душанба	5:56	16:58
6	14	сешанба	5:56	16:58
7	15	чоршанба	5:57	16:58
8	16	пайшанба	5:58	16:58
9	17	ЖУМА	5:59	16:59
10	18	шанба	5:59	16:59
11	19	якшанба	6:00	16:59
12	20	душанба	6:00	17:00
13	21	сешанба	6:01	17:00
14	22	чоршанба	6:01	17:01
15	23	пайшанба	6:02	17:01
16	24	ЖУМА	6:02	17:02
17	25	шанба	6:03	17:02
18	26	якшанба	6:03	17:03
19	27	душанба	6:04	17:04
20	28	сешанба	6:04	17:04
21	29	чоршанба	6:04	17:05
22	30	пайшанба	6:04	17:06
23	31	ЖУМА	6:05	17:07
24	1	шанба	6:05	17:07
25	2	якшанба	6:05	17:08
26	3	душанба	6:05	17:09
27	4	сешанба	6:05	17:10
28	5	чоршанба	6:05	17:11
29	6	пайшанба	6:05	17:12
30	7	ЖУМА	6:05	17:13

Рўза тутиш (оғиз ёпиш) нияти

Навайту ан асума савма шаҳри рамазана минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи Таала. Аллоҳу акбар.

Ифторлик (оғиз очиш) нияти

Аллоҳума лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту, фағфирли Ё, Ғаффору ма қаддамту ва ма ахарту.

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):

Аввал: Андижон — 13, Жамбул — 2, Наманган — 9, Термиз — 2, Фарғона — 12, Хўжанд — 4, Қўқон — 8, Ўш — 15.

Кейин: Бухоро +16, Гулистон +1, Жиззах +4, Навоий +14, Нукус +42, Самарқанд +5, Тошҳовуз +40, Туркистон +12, Урганч +37, Хива +37, Чимкент +3, Қарши +8.

Изоҳ: *Рўзанинг бошланиши Ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.*

Эзгулик йўлидаги қадам

«Экосан» халқаро жамғармаси аъзолари Оролбўйи минтақасидаги узоқ туман қишлоқларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 360 минг АҚШ доллари миқдоридаги 8500 дона маиший сув таркибини тозаловчи фильтрни шу ҳудуд аҳолисига ёрдам тариқасида топширди. Шундан 1500 дона фильтр эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ижтимоий объектларга, қолган қисми чекка қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилаларга хайрия сифатида тарқатилди. Булардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасига дори-дармон, кийим-кечак сувнинг таркибини тозалаб, биоэлектр фаоллигини оширувчи «Эсперо—6» мосламалари, «Полисепт» дезинфекциялаш воситаси ва қон таркибини витаминга бойитиб, жисмни қувватлантирувчи «Гематоген» озуқасидан иборат 1 миллион 600 минг сўмлик инсонпарварлик юки ортилган навбатдаги «ЭКОСАН» саломатлик поезди жўнатилди. Мазкур инсонпарварлик ёрдами республиканинг чекка туманларида яшовчи аҳолининг кам таъминланган қатламига, шифо масканларига хайрия сифатида тарқатилади.

Хусниддин БЕРДИЕВ

Бор бўлсин эзгулик

Пойтахтдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида «Меҳржон-99» хайрия марафони бўлиб ўтди. Ушбу марафонда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан таклиф этилган меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этишди. Тадбир очилишида АҚШ президенти рафиқаси Хиллари Родэм Клинтоннинг иштирокчиларга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Бу йилги марафоннинг аввалгилардан фарқи шундаки, унга яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан меҳмонлар таклиф этилган. Булар жумласига франциялик машҳур актёр Пьер Решар, россиялик эстрада юлдузлари Валерий Меладзе, Наташа Королёва, Игор Николаев,Озарбойжонлик Бриллиант Дадашеваларни киритиш мумкин. Эзгулик йўлига чорлаган байрамлар бор бўлсин.

Саноат МУҲАММАДИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 7 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	87,83
1 Австрия шиллинги	10,13
1 Англия фунт стерлинги	222,68
10 Бельгия франки	34,55
1 Голландия гульдени	63,25
10 Греция драхмаси	4,25
1 Дания кронаси	18,75
1 БАД дирхами	37,88
1 АҚШ доллари	139,14
1 Миср фунти	40,74
10 Испания песети	8,38
100 Италия лираси	7,20
1 Канада доллари	93,98
1 Хитой юани	16,81
10 Люксембург франки	34,55
1 Малайзия ринггити	36,62
1 Германия маркаси	71,26
1 Польша злотийси	32,82
1 СДР	190,48
1000 Туркия лираси	0,27
1 Финляндия маркаси	23,44
1 Франция франки	21,25
1 Швейцария франки	87,25
1 ЕВРО	139,38
10 Жанубий Корея вони	1,21
10 Япония иенаси	13,60
1 Россия рубли	5,20
1 Украина гривнаси	29,20

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Мебель» акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини умумхалқ байрами —

Конституция куни

муносабати билан самимий муборакбод этади. Асосий Қонунимиз — эркинликнинг ёрқин рамзидир. У инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ва муқаддаслигини, барча фуқароларнинг Қонун олдидаги тенглигини, мулкчиликнинг барча шакллари баробарлигини ўзида ифода этади, тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайди, мамлакатда демократияни чуқурлаштириш ва такомиллаштиришнинг қудратли манбаи бўлиб хизмат қилади.

Гўзал Ватанимиз гуллаб-яшнасин ва равнақ топсин, ундаги ҳар бир оилага фаровонлик ва бахт-саодат ёр бўлсин!

«МЕБЕЛЬ» А. Ж. бошқаруви





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Халқаро молиявий оламда нуфузли нашр бўлган «Банкир» журналининг баҳосига кўра:

- *жаҳондаги энг йирик банкларнинг дастлабки минглиги гуруҳида 463-ўринни ва Осиёнинг энг йирик банклари орасида эса 67-ўринни эгаллайди.*
- *жаҳондаги энг ишончли 50 банк орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.*

«Евромани» журнали Миллий банкка:

- *1998 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки;*
- *1999 йилда эса умуман Марказий Осиёнинг энг яхши банки сертификатларини тақдим этди.*

Миллий банк ишониб топширилган омонат маблағларининг масъулиятини ҳис қилиб, замонавий халқаро банк маҳсулотларидан фойдаланиб, маблағларингизнинг ишончлилиги ва дахлсизлигини таъминлаб, қўйилмаларнинг даромадлилигини кўтариб,

Жисмоний шахслар учун банк хизматининг барча турларини таклиф этади:

NBU

Жисмоний шахслар учун миллий валютадаги омонатлар:

Омонатнинг тури ва муддати	Ставка фоизи	Дастлабки энг кам бадал
Талаб қилиб олингунгача	1 йилда 12 фоиз	100 сўм
Шошилинч омонат (5 йил)	1 йилда 40 фоиз	1000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 1000 сўм.
Оқсоқол (1 йил)	1 йилда 25 фоиз	1000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 1000 сўм.
Меҳрибон опа (1 йил)	1 йилда 25 фоиз	1000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 1000 сўм.
Тўёна (2 йил)	1 йилда 30 фоиз	3000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 3000 сўм.
Сарпо (3 йил)	1 йилда 31 фоиз	3000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 3000 сўм.
Таътил (3,6,9,12 ой)	1 ойда 2,5 фоиз	2000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 2000 сўм.
Нисо (3ойга, агар омонат муддатида қайтариб олинмаса, яна 3 ойга автоматик равишда узайтирилади)	Суммага нисбатан 8 фоиз	2000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 2000 сўм
Келажак (5 йил)	Ставка бўйича Марказий банк томонидан қайта молиялаш (36 фоиз)	1000 сўм, қўшимча бадал тўлови камида 500 сўм.

Байрам арафасида Ўзбекистоннинг барча аҳолиси учун қисқа муддатли депозитнинг янги «2000» деб аталган турини жорий этмоқда.

- *депозит 1999 йилнинг 31 декабригача очилиб, 2000 йил 5 январига қадар амал қилади,*
- *депозитнинг энг кам миқдори 2000 сўм;*
- *депозитга бадал тўланиши нақд пул билан ҳам пул ўтказиш йўли билан ҳам омонатчининг ўзи ёки унинг вакили томонидан тўланиши мумкин;*
- *депозит бўйича фоиз ставкаси йилига 42 фоиз (ёки ойига 3,5 фоиз) миқдорида белгиланади.*

Жисмоний шахслар учун хорижий валютадаги депозитлар:

Омонатнинг тури ва муддати	Ставка фоизи (йиллик)	Ҳисоб қолдиғи (АҚШ долларида)
Талаб қилиб олишгунгача	фоизсиз 4,5 фоиз 4,75 фоиз 5,0 фоиз	300 гача 300дан 5000 гача 5000 дан 10000 гача 10000 дан ортиқ
Муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган шошилинч депозит	5,75 фоиз 6,0 фоиз 6,25 фоиз	300 дан 5000 гача 5000 дан 10000гача 10000 дан ортиқ
Муддати 2 йилдан 3 йилгача бўлган шошилинч депозит	6,25 фоиз 6,5 фоиз 6,75 фоиз	300 дан 5000 гача 5000 дан 10000 гача 10000 дан ортиқ

Жисмоний шахслар учун хорижий валютадаги, депозитни кўрсатувчиларга тўланадиган депозит пул:

Омонатнинг тури ва муддати	Ставка фоизи (йиллик)	Ҳисоб қолдиғи (АҚШ долларида)
Талаб қилиб олингунгача	фоизсиз	300 гача
	4,0 фоиз	300 дан 5000 гача
	4,25 фоиз	5000 дан 10000 гача
	4,5 фоиз	10000 дан ортиқ
Муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган шошилинч депозит	5,25 фоиз	300 дан 5000 гача
	5,5 фоиз	5000 дан 10000 гача
	5,75 фоиз	10000 дан ортиқ
Муддати 2 йилдан 3 йилгача бўлган шошилинч депозит	6,0 фоиз	300 дан 5000 гача
	6,25 фоиз	5000 дан 10000 гача
	6,5 фоиз	10000 дан ортиқ

Жисмоний шахсларга хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш операциялари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аҳоли, корхона ва ташкилотлар учун қимматбаҳо қоғозлар операциялари бўйича банк хизматининг *«Замонавий мулкдор»* номли янги тури

Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлими ва филиалида амалга оширилади.

Хизматнинг бу янги тури қуйидаги имкониятларни беради:

- қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операцияларида биржадан ташқари «Элсис-савдо» электрон системаси ёрдамида эркин қатнашиш;
- қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш борасида йўл-йўриқлар олиш;
- биржадан ташқари савдодаги қимматбаҳо қоғозларнинг нархи тўғрисида тўла-тўкис маълумотга эга бўлиш.
- БИЗ:

— қимматбаҳо қоғозлар муомаласини ўз вақтида ва сифатли расмийлаштиришни;
— қимматбаҳо қоғозлар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар дахлсиз ва ўз вақтида бажарилишини **КАФОЛАТЛАЙМИЗ.**

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўмли пластик карточкаси

- *замонавий тўлов воситасидир.*
- *карточка эгалари учун бир йилга 35 фоизли (ҳар ойлик капиталлашув билан) устама тўловли омонат очилади.*
- *энг кам омонат миқдори — 150 сўм*

Ўрта ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўмли пластик карточкалари 2000 йилнинг 1 январигача БЕПУЛ очилади.

Сўмли пластик карточкалар супермаркетларда, дўконларда, маиший хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади, шунингдек, банкнинг исталган бўлимида ва филиалларида, ҳисоб қаерда очилганлигидан қатъи назар, нақд сўмга айлантириб берилади.

ДЎКОНЛАРНИНГ НОМИ ВА МАНЗИЛИ

1.	«Панасоник» магазини, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 14
2.	«Шарқ Мир» супермаркети, Тошкент ш., Отатурк кўчаси, 1
3.	«Алп-Жамол» супермаркети, Тошкент ш., М. К. Отатурк кўчаси, 21
4.	«Италфуд» супермаркети, Тошкент ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 63
5.	«Голландмаркет» супермаркети, Тошкент ш., Тожик кўчаси, 1
6.	«Ал Машриқ» № 1 магазини, Тошкент ш., У. Носир кўчаси, 43
7.	«Ал Машриқ» супермаркети, Тошкент ш., F. Гулом кўчаси, 3
8.	Магазин № 1, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 165.
9.	Магазин № 7, Тошкент ш., Беруний кўчаси, 1
10.	Магазин № 8, Тошкент ш., У. Носир кўчаси, 144
11.	Магазин № 4, Тошкент ш., Юнусобод мавзеси, 14-даҳа
12.	Магазин № 5, Тошкент ш., «Қизил-Шарқ» мавзеси, 24
13.	Магазин № 6, Тошкент ш., ТТЗ-4 мавзеси, 2
14.	Магазин № 9, Тошкент ш., Қурилиш кўчаси, 9
15.	Магазин № 3, Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 1
16.	«Истиқлол» Сити супермаркети, Тошкент ш., Буюк ипак йўли, 52
17.	Тошкент ш., Авиачипталарни банд қилиш ва сотиш комплекси, У. Носир кўчаси, 9
18.	Тошкент ш., Маҳаллий йўналишдаги аэропорт
19.	«Нозир» магазини, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 14
20.	«Зафар» супермаркети, Тошкент ш., Амир Темур, 76
21.	«Рубин» магазини, Тошкент ш., А. Темур, 1
22.	«Тошкент учоқбоши» ресторани, Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 23
23.	«ARDUS» супермаркети, Тошкент ш., Ю-Обод т-ни, Марказ-4
24.	«Tashkent Plaza» супермаркети
25.	«Океан-Сиифуд» супермаркети
26.	«Океан-Сиифуд» ресторани
27.	«Зенит» магазини, Нукус ш., Тўрткўл шоҳ кўчаси, 54
28.	«Маржон» магазини, Нукус ш., Қорақалпоғистон кўчаси, 21
29.	«Инь-ян» магазини, Фарғона ш., М. Қосимов кўчаси, 43
30.	«Ҳамид» магазини, Фарғона ш., Навоий, 6
31.	«Фарҳод-А» дорихонаси, Фарғона ш., Мустақиллик кўчаси, 29 А
32.	«Нилуфар — Ю» магазини, Фарғона ш., У. Юсупов кўчаси, 5
33.	«Анд Наврўз» супермаркети, Андижон ш., Мустақиллик кўчаси, 14
34.	«Анд Наврўз» - 2 супермаркети, Андижон ш., Мустақиллик кўчаси, 14
35.	30-«Зарафшон савдо маркази», Зарафшон ш., 3-мр

«VISA Classik» ва «VISA Electron» пластик карточкалари:

- **Пластик карточка 1 йил муддатга очилади;**
- **VISA карточкаларининг эгаларига ҳаётини 1 йил муддат билан бепул суғурта қилиш имкони берилади.**

VISA карточкасини сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимидан олишингиз мумкин.

***«American Express»* йўл чеки энг оммабоп ишончли тўлов воситасидир**

«Американ экспресс» тўлов чеки нақд валюта ўрнини босади, миллионлаб дўконларда, меҳмонхоналарда ва ресторанларда сиз бевосита шу чек билан тўловни амалга оширишингиз мумкин.

«Американ экспресс» чеки муддатсиз, уни чет элга навбатдаги сафарга чиқиш пайтигача сақлашингиз мумкин, бу чекларни харид қилишда унинг юқори чап бурчагига имзо чекасиз, уни нақд валютага алмаштиришда — пастки чап бурчагига имзо чекасиз ва ишончингиз комил бўлсинки, сизнинг пулингиздан бошқа ҳеч ким фойдалана олмайди.

Чекни нақд валютага алмаштиришда сиз энг самарали алмашув курсидан фойдаланишингиз мумкин, мабодо чекни йўқотиб қўйсангиз, 24 соат ичида Ер юзининг ҳар қандай жойида уни сизга бепул тиклаб беришади.

«Американ экспресс» йўл чеки бутун дунёда қабул қилинади.

«UZ AIG» компаниясининг бахтсиз ҳодисалардан якка тартибда ва оилавий суғурталар дастури бўйича Сизга ва оилангизга оғир дамларда ёрдам берадиган суғурта васиқасини расмийлаштириш ва олиш. Ўзингизга қулай бўлиши учун Сиз ҳеч қандай тиббий гувоҳномасиз дарҳол суғурта бадалини тўлашингиз ва суғурта васиқасини олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ — БУ, МАБЛАҒИНГИЗДАН КЕЛАДИГАН ФОЙДА ВА УНИНГ САҚЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТИДИР!

Сиз кўп вақт йўқотмасдан таклиф қилинган хизмат турларидан бири ёки бу хизматнинг барча туридан фойдаланишингиз, шунингдек, ўз омонатингизни бошқа маҳсулотларга алмаштиришингиз мумкин. Бунинг учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан йўл-йўриқлар олсангиз, бас.

Қўшимча саволларингизга: (998 71) 137-62-83, 137-62-80, 137-59-42 телефонлари орқали ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлими ва филиалидан жавоб олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти Чилонзор тумани бошқармаси томонидан 1998 йил 16 январда, «Малик Пульс» МҲЖга берилган СД №004132 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«BURATU» хусусий фирмаси Шри-Ланка мамлакатида ишлаб чиқарилган «Император» олий навли цейлон чойини сотади. **Телефон:** 116-81-24 — кечқурун соат 20.00 дан сўнг.

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси суд-тиббий эксперти, касаба уюшма раиси Артур Владимирович Лига акаси **Лев Николаевич КИМнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон фалсафа жамияти раёсати фалсафа фанлари доктори, профессор М. Н. Абдуллаевага укаси **Абдулла Нуруллаевич АБДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

(Газетанинг навбатдаги сони 11 декабрь — шанба куни чиқади.)

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Саида ЙЎЛДОШЕВА*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматда, 16.512 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0985

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди —22.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА